Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 17 апрель, № 74 (8697) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 апрель куни тўқимачилик соҳасида экспорт ва инвестиция ҳажмларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тўқимачилик барча ҳудудимизда кенг тарқалган ва аҳолини энг кўп банд қилган салоҳиятли саноат тармоғидир. Бугунги кунда 6 мингдан зиёд корхоналарда 570 минг киши иш билан таъминланган.

Сўнгги йилларда инвестициялар ва янги технологиялар фаол жалб этилгани туфайли соҳада натижадорлик жадал ошган. Масалан, ўтган йили 8 миллиард 200 миллион долларлик тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич 7 йил олдингига нисбатан 4,2 баравар кўп.

Шунингдек, 2023 йилда тармоқдаги экспорт 3,1 миллиард доллар бўлди. Бу йил яна ўча янги бозорга чиқилиб, экспорт географияси 83 та давлатга етди.

Бироқ унинг таркиби таҳлил қилинса, муайян камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, тайёр товарлар экспортида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши кам. Экспортнинг қарийб 80 фоизи анъанавий бозорларга тўғри келяпти. Европага экспорт ҳажми кутилганидек эмас.

Ривожланган давлатлар бозорига ёки брендларга экспорт ҳажмини ошириш учун халқаро стандарт ва сертификат талаб этилади. Лекин биздаги атиги 175 та корхона бундай талабларга жавоб беради. 18 та туманда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йиллик ҳажми 1 миллион долларга ҳам етмайди.

Йиғилишда шу каби таҳлиллар асосида тармоқдаги улкан имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

“Boston Consulting Group” хулосасига кўра биздаги хомашё билан камида 15 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш, яна 500 мингта янги иш ўрни яратиш имконияти бор.

Масалан, юртимизда 1 килограмм калава ипнинг таннархи жаҳондаги нархлардан ўртача 28 фоиз арзон. Бу — тайёр маҳсулотни кўпайтириш ва рақобат учун жуда катта имконият.

Молиявий қўллаб-қувватлов ҳам бор. Ўтган йил бошида газлама, бўяш-пардозлаш, тайёр тикув-трикотаж лойиҳалари учун 50 миллион доллар ресурс ажратилган. Бу маблағ ишлатилганидан кейин яна 100 миллион доллар йўналтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳудудларда лойиҳаларни ва иш ўринларини кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

— Бу соҳада ягона тўғри йўлимиз — мавжуд хомашёни тўлиқ қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат яратиш ва анъанавий арзон бозорлардан янги бозорларга кириб бориш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ишлаб чиқаришнинг қулай йўлларидан бири — йирик корхоналар филиалларини маҳаллаларда очиш. Масалан, Самарқанд шаҳридаги “Зарафшон текстиль” фабрикаси 11 та ҳудудий филиал очган. Бунинг афзаллиги шундаки, ортиқча вақт ва харажат қилиб, янгидан стандарт жорий қилиш ёки сертификат олиш шарт эмас. Шу боис бу амалиётни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Тўқимачилик корхоналари учун энг муҳим масалалардан бири, бу — хомашё. Мамлакатимизда 1 миллион 300 минг тонна толани қайта ишлаш қуввати бор. Лекин ҳозирда 1 миллион тоннага яқин тола тайёрланмоқда. Шу боис пахта етиштириш таннархини камайтириш ва ҳосилдорликни ошириш зарурлиги таъкидланди.

Пахта-тўқимачилик кластерларининг фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилди. Уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Видеоселектор йиғилишида 100 дан ортиқ тадбиркорлар иштирок этди. Президентимиз улар билан мулоқот қилди.

Тадбиркорлар тўқимачилик корхоналари қуриш, қўшилган қиймат солиғини бир кунда қайтариш амалиётини кенгайтириш, экспортолди кредитлар олишни соддалаштириш, арзон молиявий ресурслар ажратиш, миллий маҳсулотларни оммалаштириш бўйича муаммо ва таклифларини айтди.

Мутасаддиларга бу масалаларни чуқур ўрганиб, амалиётга жорий этиш, зарур бўлса, қонунчиликни такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Соҳани комплекс ривожлантиришда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси муҳим ўрин тутади. Шу боис энди уни тўқимачиликнинг ҳар бир йўналишидаги тадбиркорлардан иборат Кенгаш бошқаради. Ҳар бир вилоят бўйича унинг вакиллари сайланади. Уюшма ходимлари кластерлар ва тўқимачилик корхоналарига ишлаб чиқариш, инвестиция, экспорт ва иш ўринларини кўпайтиришга кўмаклашади.

Брендлар билан ишлаб, халқаро сертификатга эга экспортчилар сонини ошириш, Европа давлатларида кенг қамровли тарғибот тадбирларини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Кластерларда илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида тадқиқот ва ривожланиш (R&D) гуруҳларини ташкил қилиш таклифи билдирилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 апрель куни транспорт ва қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Давлатимизнинг фаол ташқи сиёсати туфайли халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда. Тошкент ишбилармонлик ва туризм марказига айланмоқда. Шу боис транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётир.

Сўнгги йилларда Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти модернизация қилиниб, йўловчиларга шароит яхшиланди. Хизмат турлари, рўйхатдан ўтказиш ва самолётга чиқиш йўлаклари кўпайтирилди. Умуман, уч йиллик реконструкция ишлари натижасида пойтахт аэропортининг жўнаб кетиш терминали майдони 56 минг квадрат метрдан 80 минг квадрат метргача кенгайди.

Ҳозирги кунда аэропортдаги учиб кетиш терминали реконструкция қилинмоқда. Бу уч босқичда амалга оширилиб, рўйхатдан ўтказиш, божхона ва хавфсизлик имкониятлари кенгайтирилади. Натижада йўловчиларга хизмат кўрсатиш қуввати соатига 1 минг 200 кишидан 2 минг 400 нафарга етади.

Шунингдек, Тошкент халқаро аэропортида янги карго терминалини қуриш режалаштирилган. Бунинг самарасида юкларга сифатли хизмат кўрсатиш қуввати 300 тоннага етади.

Маълумки, 2022 йил 29 августда Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилишига пойдевор қўйилган эди. У ерда кўп қаватли уйлар, мактаб ва боғчалар, спорт ва маданият марказлари, хиёбонлар, технопарк ва бошқа мажмуалар барпо этилади. Хусусан, шаҳарча марказида Ал-Хоразмий университети қурилади.

Лойиҳага кўра бу олийгоҳда математика ва табиий фанлар, информатика, муҳандислик факультетлари бўлиб, 4 минг талаба таълим олади. Университет қошида истеъдодли болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ҳам бўлади. Шу тариқа бу ерда ўқиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўлга қўйилиб, таълим кластери яратилади.

Тақдимотда университет концепциясини бойитиш бўйича фикр алмашилди. Ёшларнинг тадқиқотлари учун замонавий лабораториялар ташкил этиш, стартап лойиҳаларини тижоратлаштириш, рақамли технологиялар ва киберспорт йўналишларини жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Яна бир мутафаккир бобомиз Абу Райҳон Беруний ҳам халқимизнинг фахру ғурури. Унинг ҳаёт йўллари, жаҳон илм-фанига қўшган беқиёс ҳиссасини улуғлаш мақсадида, Президентимиз ташаббуси билан, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани марказида музей ташкил этиш режалаштирилган. У икки қаватли бўлиб, энг илғор қурилмалар билан жиҳозланиши, интерфаол усуллар қўлланилиши мўлжалланган. Музей олдидаги хиёбонда Берунийнинг муаззам ҳайкали ўрнатилади.

Тақдимотда мазкур лойиҳаларга оид бир нечта таклифлар кўриб чиқилди. Мутасаддиларга лойиҳаларни такомиллаштириш, қулайликларни ошириш ва сифатли қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎзА.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Жиззах вилоятининг барқарор тараққиётида муҳим омил бўляпти

Авваллари Жиззах, асосан, аграр соҳага ихтисослаштирилган бўлиб, саноат кўрсаткичлари аҳоли жон бошига энг паст, қўшма корхоналар, саноат, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳалари ривожланмаган ҳудуд ҳисобланарди.

Хўш, бугун-чи? Бугунги Жиззахга қадам ранжида қилган одамнинг тасаввури бутунлай ўзгариб кетиши тайин. Нега деганда, кейинги йилларда вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари ўз кўлами билан нафақат юртимизда, балки чет эллик ҳамкорларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунда саноати ривожланган ҳудудлар қаторида эътироф этилаётгани ҳам эътиборга лойиқ.

Акс садо

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи чоғида бир қатор истиқболли лойиҳаларни йўлга қўйиш ҳудуд иқтисодиётининг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлиши хусусида тўхталиб, бу борада ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган йиғилишда барча ҳудуддаги каби Жиззахда ҳам катта ўзгаришлар бўлаётгани қайд этилди. Хусусан, сўнгги етти йилда вилоятга 5 млрд. доллар инвестиция жалб қилиниб, 2 500 та янги корхона ишга туширилган. Уларда 45 мингта доимий иш ўрни яратилган. Тадбиркорлар сони кўпайган.

Дарҳақиқат, бугун ҳудудда саноат ривожланди. Ишлаб чиқаришга юқори технологиялар татбиқ этилди. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда янги-янги истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда маҳаллаларда аҳоли даромадларини ошириш борасидаги ишлар мақтанса арзигулик.

Бугун бемалол айта оламиз: нафақат вилоят маркази, балки энг чекка туманларгача саноат кириб борди. “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича республикада учинчи, экспорт ҳажми борасида эса олтинчи ўринга кўтарилди. Айни пайтда мазкур иқтисодий зонада кўплаб лойиҳалар амалга оширилиши натижасида янги иш ўринлари яратилмоқда. Эндиликда бу ерда ўнлаб турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқдаки, бу бир йилнинг ўзидаёқ эркин иқтисодий зона фаолияти янада такомиллашиб, бизнесга қулай шароит яратилгани натижасидир.

3

Мулоқот

ИШЛАШ ИСТАГИДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ишларнинг бориши билан танишиш ва аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида Тошкент вилоятининг Чиноз туманида бўлди.

Тумандаги “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғинида хонадонма-хонадон юриб, ишсиз хотин-қизлар, уларнинг бу борадаги эҳтиёж ва имкониятлари ҳамда тадбиркорликка қизиқиши юзасидан ўтказилган ўрганишнинг дастлабки натижаси атрофлича таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, ўрганиш жараёнида 54 хотин-қизнинг бандлиги таъминланган ва 11 нафарига кредит ажратилиб, тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилган.

2

Сенат қўмитасида

Хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатланади

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси мажлисида иккита қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Унда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Уй-жой кодекси, Шаҳарсозлик кодекси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

2

«Инсон қадри учун» тамойили — амалда

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ялпи мажлисида “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди. Мазкур ҳужжат фуқароларнинг маълум сабабларга кўра қонуний расмийлаштирилмаган ер участкаларига, қурилган уй-жойларига нисбатан ҳуқуқларини эътироф этиш борасида анчадан буён қийнаётган масалалар ечимига қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Бу ҳақда Қонунчилик палатаси депутатлари ўз муносабатларини билдирди.

Ижтимоий масалага оқилона ёндашув

Дилором ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Маълумотларга кўра бугунги кунда мамлакатимизда 4 миллионга яқин уй-жойларнинг кадастр ҳужжати йўқ. Уларнинг аксарияти қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ер майдонлари балансида турибди. Тегишли ҳокимлик қарори билан уй-жой учун ер берилган, аммо кадастр ҳужжати қилинмаган.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши билан ғоятда аҳамиятлидир.

Шу ўринда ушбу қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қандай зарурат туғилди? Мазкур ҳужжат бугун кўплаб юртдошларимиз, тадбиркорларимизни ўйлантириб келаётган масалаларга ижобий ечим бўла оладими, деган саволлар пайдо бўлиши табиий.

Айтиш жоизки, амалдаги қонунчиликда бу ерларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш учун ҳуқуқий асос ҳам, ваколатли орган ҳам белгиланмаган. Ҳозиргача ҳуқуқларни эътироф этиш масаласида жами 5 марта акция эълон қилинган. Уларда ҳаммаси бўлиб 1 миллион 338 мингта ўзбошимчалик билан қурилган уй ҳужжатлаштирилган. Айрим юртдошларимиз турли сабабларга кўра мазкур акцияда иштирок этолмаган.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2009 — 2017 йилларда 81 992 та уй қурилиб, 6 624 та уй-жой массиви барпо этилди. Шу даврда Ўзбекистон аҳолиси сони 27 миллиондан 32 миллионга ошди. Табиийки, уй-жой қурилиши шиддати аҳоли ўсишидан анча ортда қолди.

Шу сабабли аксарият фуқаролар яшаш учун уй-жой, бошпана қуриб олишга мажбур бўлди. Бундай уйларнинг катта қисми ҳудудларда қурилган. Чунки қишлоқ шароитида иш ўринлари кам, ишлаб чиқариш эса жуда паст. Одамларда эса ер сотиб олиб, уй-жой қуришга маблағ етмайди. Фуқаролар ноилож қолиб қонунларни четлаб ўтиб, бошпана қуриб олган.

2

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ: УЛКАН САЛОҲИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон ташқи сиёсати кескин фаоллашган даврга қадам қўйди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчилигида республикамизнинг минтақавий ва халқаро майдондаги ўрни ҳамда нуфузини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор ва 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси изчил амалга оширилаётгани натижасида қўшни мамлакатлар, жаҳоннинг етакчи давлатлари ҳамда минтақавий ва халқаро институтлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар сифат жиҳатдан янги, мисли кўрилмаган жадал босқичга кўтарилди. Очиқлик ва прагматизмга асосланган сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг ташқи шериклар билан муносабатлари мустаҳкамланди.

Таҳлил

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг иккинчи учрашуви ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистон, хусусан, Тошкент шаҳри Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари халқлари ўртасидаги кўп асрлик тарихий алоқалар, маданий алмашинувлар ва бугунги кунда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун улкан салоҳиятга асосланган минтақаларо боғлиқликнинг янги форматига амалий суръат бағишлайдиган муҳим халқаро форум ўтказиладиган манзилга айланди. Биз узоқ вақт масофа сақлаб келган катта молиявий ва иқтисодий имкониятларга эга, дини бир, маънавий қадриятлари ва анъаналари бизга яқин араб давлатлари билан манфаатли ҳамкорлик учун эшиклар яна очилди.

Сир эмаски, 2017 йилгача Ўзбекистон ва Кўрфаз мамлакатлари ўртасида имзоланган келишувлар тўлиқ амалга оширилмади. Бу кўп жиҳатдан ўртадаги ишончсизлик, Яқин Шарқ ва Афғонистонда давом этган беқарорлик билан боғлиқ эди. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси билан ўзаро алоқалардаги ишга солинмаган имкониятларни қидириб топиш, ишончсизликка барҳам беришга муваффақ бўлинди.

Ниҳоят, 2022 йилнинг 7 сентябрь куни Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқотининг биринчи вазирлар учрашуви бўлиб ўтган эди. Баҳрайн, Қатар, Кувайт, БАА, Ўмон, Саудия Арабистони, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари Кенгаш мамлакатлари ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сиёсат, хавфсизлик, савдо ва инвестиция, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар ва спорт соҳаларидаги муносабатларнинг мавжуд ҳолати ҳамда истиқболларини қизғин муҳокама қилдилар. Ишонч кўприклари тикланди. Натижада бугунги кунга келиб Марказий Осиё ва Кўрфаз араб давлатлари бир-бирини ишончли ҳамкорлар деб билади. Форматнинг барча иштирокчиси икки минтақанинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларидаги амалий ҳамкорлигини кенгайтиришдан манфаатдор. Икки минтақа ўртасидаги тарихий алоқалар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва фаоллаштиришнинг муҳим асоси саналади.

Формат истиқболларини 2023 йил 19 июль куни Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши етакчиларининг биринчи саммити якунлари тасдиқлайди. Олий даражадаги саммитда давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг узоқ муддатли йўналишларини белгилаб берувчи 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган Қўшма ҳаракатлар режасини тасдиқлади.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 17 апрель

ИШЛАШ ИСТАГИДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

1 Бугун 616 та хонадонга эга маҳалланинг драйвери иссиқхоначилик бўлиб, 90 фоиздан зиёд хонадонлар эгалари айнан шу йўналиш орқали даромад топади. Ўтган йили маҳалладаги иссиқхоналарда етиштирилган 30 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортга чиқарилгани, айниқса, эътиборга молик.

“Маҳалла еттилиги” билан кечган суҳбат асносида камбағалликни қисқартириш, бунинг учун оилавий тадбиркорлик, томорқачилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, айниқса, хотин-қизлар орасида қўшимча касбларга ўқитиш ҳамда иш билан таъминлаш орқали норасмий бандлик улушини камайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Айни чоғда “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлиги ва масалаларни биргаликда ҳал этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Хусусан, Сенат Раиси нафақат ишга эҳтиёжи бор хотин-қизлар, балки иқтисодий аҳволи яхши, лекин ишлаш истагида бўлган аёлларнинг ҳам бандлигини таъминлаш кераклигини айтиб ўтди. Бу борада масалага ҳар бир маҳалланинг ўзига хослиги ва драйвер соҳаларидан келиб чиқиб ёндашиш айни муддаодир.

Шу ернинг ўзида хатлов жараёнида аниқланган эҳтиёжманд аёллар билан мулоқот ўтказилди. Айни пайтда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга яратилаётган шароитлар, таълим олиши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун берилаётган имтиёзлар ҳақида батафсил тушунтириш берилди. Тикувчилик ҳунари бўлган 9 нафар аёлга ўзини ўзи иш билан банд қилиб, ойласига қўшимча даромад келтириш имкониятини яратиш мақсадида тикув машиналари тақдим этилди.

Шундан сўнг маҳалладаги томорқачилик туфайли яхшигина даромад кўраётган аҳоли хонадонларига ташриф буюрилди.

Жумладан, Насибахон Турсунова томорқасининг 10 сотих майдонида иссиқхона ташкил этиб, биринчи мавсумда бодринг, иккинчи мавсумда эса помидор етиштириб, 140 миллион сўм даромад кўрмоқда.

Маҳалладаги бошқа бир хонадон соҳибаси Маҳбуба Холиқулова 25 сотих иссиқхонада кўчатчиликни йўлга қўйган бўлиб, бу йил ўртача 500 миллион сўм даромад кўришни режа қилган.

Хонадон эгалари билан суҳбат чоғида маҳаллада томорқасидан етарли фойдалана олмаётган оилаларга ҳам дастлабки босқичда томорқачилик сир-асрорларини ўргатиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш юзасидан таклифлар берилди.

Туманнинг “Обиҳаёт” МФЙ аҳолиси, асосан, ўз хонадонларида оилавий корхона ташкил этиб, интенсив усулда балиқ етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. Сенат Раиси маҳалладаги “Арнасой чўртани” ва “Қушфар фиш” оилавий корхоналарини ташкил этган хонадонларда ҳам бўлди.

Эътироф этилганидек, ушбу хонадонлар эгалари балиқни увилдириқ ҳолатидан аҳоли дастурхонига етиб боргунгача бўлган жараёнларни қамраб олган. Улар билан бўлган суҳбат жараёнида фаолиятини кенгайтиришлари ва қўшимча иш ўринлари яратиши учун имтиёзли банк кредитлари ажратиладиган бўлди.

«Халқ сўзи».

Хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатланади

1 Қонунда хусусий мулкка бўлган ҳуқуқлар дахлсизлиги, тадбиркорлик субъектлари манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш назарда тутилмоқда. Унда ҳеч ким суд қарорисиз, қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум бўлган мулкдорга унинг қиймати, у кўрган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши белгиланмоқда.

Қонун хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши кафолатларини кучайтиришга ҳамда тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга ошириш учун қўшимча кафолатлар ва шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун сенаторлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Ушбу қонун билан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ҳамда “Рақобат тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётир.

Хусусан, давлат ёрдами берилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан тегишли тартибда келишиш зарурлиги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда акс эттирилмоқда.

Шунингдек, мазкур қонун билан рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун молиявий санкциялар қўллашда ҳам хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан енгиллик берилябти.

Муҳокама якунида кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА АСОССИЗ АРАЛАШУВЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси бошчилигидаги ишчи гуруҳ Самарқанд вилояти маҳаллаларида тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш борасидаги ишлар ҳолатини ўрганди.

Ўрганиш

Ўрганиш ва таҳлиллар натижасида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 74,1 трлн. сўмга, саноат — 11,2 трлн., қишлоқ хўжалиги — 28,7 трлн., хизматлар кўрсатиш — 28,5 трлн., қурилиш ишлари 4,2 трлн. сўмга ўсгани, аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 17,8 млн. сўмга етгани маълум бўлди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра қарийб 100 мингтани ташкил этган.

Ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда қарийб 425 минг киши бандлиги таъминланган. Ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида 28 минг нафардан зиёд фуқаролар касб-ҳунарга ўқитилган.

“Онлайн маҳалла” платформасида 5 441 та микролойиҳа ишга туширилиши натижасида 1 270 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилиб, 23 минг 507 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оила аъзолари бўлган қишлоқ аҳолисини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлашига кўмаклашиш мақсадида Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2023 йилда 6 минг 695 нафар фуқарога 30,1 млрд. сўмлик субсидия маблағлари ажратилган.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 2023 йилда 51,2 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларга 902 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилган.

Ўрганиш жараёнларида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги ҳам аниқланди. Масалан, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра тадбиркорлик субъектлари сони 2023 йилдагига нисбатан 10,5 мингтага камайган, 3 497 та тадбиркорлик субъекти иқтисодий қийинчиликлар сабабли ўз фаолиятини тўхтатган.

Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги ҳамда 2022 йил 18 мартдаги қарорларида “Онлайн маҳалла” электрон платформасини тегишли вазирлик ва идоралар маълумотлар базалари билан интеграция қилишни таъминлаш белгиланган бўлса-да, ушбу тизимнинг “tizim.davaktiv.uz”, “E-ijara” ҳамда “K-SAVDO” автоматлашган ахборот тизимлари билан интеграцияси уддаланмаган. Бу эса маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан аниқланган бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш ишларига салбий таъсир кўрсатган.

Вилоятда тадбиркорликни ташкил этиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган. Шунингдек, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашув ва эркин рақобат муҳитини бузиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Жумладан, вилоятдаги назорат органлари томонидан ўтказилган текширишларда 2 266 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган, шундан 4 тасида ноқонуний текшириш ва 2 262 тасида текшириш ўтказиш тартибини бузиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Вилоятда тадбиркорлар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқишда ҳам камчиликлар мавжуд.

Хусусан, “Тадбиркор виртуал офиси” ахборот портали орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддати устидан назорат ўрнатилган бўлишига қарамай, мурожаатларнинг 205 тасида кўриб чиқиш муддатлари бузилган.

Шулардан келиб чиқиб, ишчи гуруҳ томонидан ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш борасидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Ва улар бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

1 Мазкур қонунда кўчмас мулкларга нисбатан ҳуқуқлар эътироф этилиши белгиланди. Унга кўра 2018 йил 1 май кунига қадар фуқаролар якка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга нисбатан мулкий ҳуқуқлар эътироф этилади. Ушбу вақтга қадар фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга эса кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқлар берилади.

Эътиборли томони, қонун билан “бир марталик акция” доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга (126 мингдан ортиқ) — кўчмас мулкларга нисбатан эгалик ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Айтиш керакки, қонунда акс этган кўплаб янгиликлар ЎзХДП сайловолди дастури ва ғояларига ҳам уйғун ва ҳамоҳангдир.

Ҳужжат билан бир марталик умумдавлат акцияси доирасида бир марталик йиғимни тўлиқ тўлаган ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар озод этилаётгани эътиборга молик. Шунингдек, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган шахслардан бир марталик тўлов қонуннинг 23-моддаси биринчи қисмида белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида ундирилади. Бу қоидалар партиямиз электорати манфаатларига тўла мос.

Давлат идоралари фуқароларга хизмат қилади

Нуриддин СУЛТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Дарҳақиқат, қонунда бир қатор янгиликлар ўз аксини топган. Хусусан, унда якка тартибдаги уй-жой қурилган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи 1998 йил 1 июлга қадар эгалланган бўлса, барча ҳудудда 0,24 гектардан, 1998 йил 1 июлдан 2018 йил 1 майга қадар эгалланган бўлса, Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида 0,06 гектардан, қолган ҳудудларда 0,12 гектардан ошмайдиган ҳажмда белгиланган.

Якка тартибдаги уй-жой эгаллаган ер участкасининг амалдаги майдони юқорида келтирилган ҳажмлардан ортиқча бўлса, ер участкасининг ортиқча эгалланган қисмига томорқа ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун ижара ҳуқуқи эътироф этилиши ҳам муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Қонунга асосан ҳудудларда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларини ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларни босқичма-босқич хатловдан ўтказиш ҳар йилги режа-жадвал асосида амалга оширилади. Режа-жадвал Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг таклифига кўра Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланади ва жамоатчиликка эълон қилинади.

Ушбу тизим асосида хатлов натижасида ижара ва мулк ҳуқуқини эътироф этиш масаласи кўриб чиқиладиган ер участкаси, бино ва иншоотнинг электрон йиғмажилди тайёрланади. Сўнгра автоматлаштирилган ахборот тизимига Кадастр агентлиги томонидан киритилиб, ваколатли ташкилотлар билан келишилади. Барча жараённинг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали бажарилиши ортиқча сарсон-гарчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Кейинги босқичда эса ваколатли ташкилотлар тизим орқали келган электрон йиғмажилдни икки ой давомида кўриб чиқиб, керакли маълумот, ҳужжатлар ва хулоса беради. Электрон йиғмажилддаги маълумотлар тегишли фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари бинолари эълонлар бурчакларида, Кадастр агентлиги сайтида ҳамда бошқа ахборот манбаларида эълон қилинади.

Манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга таалуқли маълумотлар ва ҳужжатлар бўйича эътирози мавжуд бўлса, электрон йиғмажилддаги маълумотлар жамоатчиликка эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида улар бўйича ваколатли ташкилотларга шикоят қилиши мумкин.

Агар маълумотлар эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида шикоят келиб тушмаса, бир иш куни ичида электрон йиғмажилд барча ваколатли ташкилотлар томонидан тўлиқ киритилган (бириктирилган) маълумотлар ва ҳужжатлар билан бирга автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик тарзда Адлия вазирлигининг тегишли ҳудудий органларига кўриб чиқиш учун юборилади.

Шундан сўнг вазирликнинг тегишли ҳудудий органлари томонидан электрон йиғмажилд, маълумотлар ва ҳужжатлар икки ой ичида ўрганилиб, қонунда келтирилган асосларга биноан ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса тайёрланган ҳолда, автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

Адлия вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари томонидан ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда, Кадастр агентлиги тегишли шахсларнинг мобиль телефони рақамига белгиланган бир марталик тўловни йигирма иш куни ичида тўлаш тўғрисидаги SMS-хабарномани тизим орқали автоматик равишда юборади.

Тегишли шахслар томонидан бир марталик тўлов тўланган тақдирда электрон йиғмажилд, маълумотлар ва ҳужжатлар ижобий хулосалар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига навбатдаги сессияда кўриб чиқиш учун автоматлаштирилган ахборот тизими орқали автоматик равишда юборилади.

Мазкур маълумотлар ва ҳужжатлар уч ой ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессияларида муҳокама қилинади. Ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг “E-qaror” ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.

Солиқдан қарздорлик бўлмаса, ижара ҳуқуқи эътироф этилади

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Аввалларидан бир тадбиркор иш бошласа, унинг фаолиятига аралашиб, ҳуда-беҳуда текширув билан тўсиқ қўядиганлар кўп бўларди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, унга бозор топиш, янги иш ўрни яратиш — бари катта машаққат, бу ёқда тадбиркорга ёрдам бериш ўрнига, унинг ишига халал қилиш, албатта, ривожланиш йўлидаги муаммо эди.

Сўнгги етти йил тадбиркор ва ишбилармонлар учун чинакам қўллаб-қувватлаш даври бўлди.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли бугун минглаб тадбиркорлар ўз фаолиятини кенгайтириб, янги-янги иш ўринларини ташкил этмоқда, ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда. Аммо бир пайтлар ота-боболаридан қолган ер участкаларига бино ва иншоотлар қуриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган фуқароларимизда “Агар мен бу ишни қилсам ёки фаолиятимни кенгайтирсам, бир кун келиб мол-мулким бузилиб кетса”, деган ҳадик бор эди.

Яқинда депутатлар томонидан қабул қилинган қонун фуқароларимизни ўйлантираётган масалалар ечимига қаратилган ҳужжат бўлди.

Ушбу қонуннинг асосий мақсади ҳам ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ҳужжат матнини синчиклаб ўқир экансиз, унда фуқароларимизнинг хоҳиш ва истаклари, орзу ва мақсадлари ўз аксини топганига гувоҳ бўласиз.

Хусусан, мазкур ҳужжат билан ер участкаси ва унда қурилган иморатга бўлган ҳуқуқни, шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурилган ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этишнинг аниқ тартиблари белгиланди. Фуқаролар томонидан ортиқча эгалланган ер участкасига, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги тураржойлар эгаллаган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Шу боис ушбу қонун халқимиз, тадбиркорларимиз ва мулк эгалари томонидан мамнуният билан қарши олинмоқда. Сабаби бундай янгиликлар тадбиркорларимиз узоқ йиллар кутган тарихий адолатни рўёбга чиқаради.

Бошқача айтганда, соҳада янги босқични, янги имкониятлар эшигини очиб беради. Бу орқали минглаб оилаларга барака киради, юз минглаб янги иш ўринлари очилади, камбағаллик даражаси қисқаради.

Бинобарин, кичик саноат зоналари ҳудудига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларининг ушбу кичик саноат зонаси ҳудудида ўз маблағлари ҳисобидан қурилган (бундан мавжуд бинони қайта қуриш, реконструкция қилиш мустасно) яшаш учун мўлжалланмаган бинолар ва иншоотлар ёки уларнинг қисмлари жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилгани асос бўлади.

Агар инвестиция мажбуриятлари ва бошқа ижтимоий мажбуриятлар тўлиқ бажарилган, мазкур ер участкаси бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн-аукционга қўйилмаган бўлса, ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ўртасида низо ҳамда мазкур ер участкаси учун ер солиғи бўйича, унда қурилган бинолар ва иншоотлар учун эса мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаса ижара ҳуқуқини эътироф этиш мумкин бўлади.

Эътиборли жиҳати, ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи хатлов жараёнида аниқланган ва автоматлаштирилган ахборот тизимида мазкур ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахс сифатида кўрсатилган фуқаро ва якка тартибдаги тадбиркор, шунингдек, резидент бўлган юридик шахс номига эътироф этилади.

Қонун аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш зарур

Равшан БЕГМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ҳақиқатан ҳам, қуйи палатада қабул қилинган ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга қаратилган қонун том маънода, уникал ҳужжат бўлди.

Мазкур ҳужжат билан ер участкаси ва мулкка бўлган ҳуқуқларни эътироф этишнинг асосий шартлари аниқ белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, қонунда ерларга нисбатан ижара ва мулк ҳуқуқи эътироф қилинмайдиган ҳолатлар ҳам аниқ нормаларда акс этди.

Унга кўра аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотлар магистраль қувурлар, темир йўл ва автомобиль йўллари, электр қуввати узатиш ва алоқа линияларининг қўриқланадиган муҳофаза зоналарида, сув муҳофазаси ва санитария-ҳимоя зоналарида бўлса мулк ҳуқуқи берилмайди.

Аэродромлар, чиқиндилар ва бошқа заҳарли моддаларни кўмиш жойлари яқинида ва қонунчилик ҳужжатлари билан қурилиши тақиқланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ҳамда гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнлар хавфи мавжуд ҳудудларда жойлашган бўлса, уларга нисбатан ижара ва мулк ҳуқуқи эътироф этилмайди.

Бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, якка тартибдаги уй-жойлар қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси суғориладиган ерларда жойлашган тақдирда, ҳуқуқларни эътироф этиш масаласи ер фондининг тоифаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўзгартирилганидан кейин ушбу қонун билан ижара ва мулк ҳуқуқи эътироф этилиши кўриб чиқилади.

Бундай ҳолатларда ваколатли органлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Транспорт, Сув хўжалиги, Рақамли технологиялар, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, Тоғ-кон саноати ва геология, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг ҳудудий органлари (бўлинмалари), тегишли муҳандислик-коммуникация тармоқларидан (электр, алоқа, газ, ичимлик суви, канализация) фойдаланувчи ташкилотлар томонидан — ўзбошимчалик билан қурилган бинолар ва иншоотларнинг қурилиши қайси ҳудудда қонунчилик ҳужжатларига кўра тақиқланган бўлса, тегишинча уларнинг ўша ҳудудларда жойлашганлиги ёки жойлашмаганлиги ҳақидаги маълумот ва ҳужжатларни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали киритиб боради.

Ушбу киритилган нормалар фуқаролар, тадбиркорлик субъектларининг ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларига нисбатан ижара ҳуқуқи ҳамда уларда қурилган уй-жой, бошқа бино ва иншоот ёки кўчмас мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи расмийлаштирилиши учун ҳуқуқий асослар яратилишига, фуқароларимиз хавфсизлиги ва ўз мол-мулкларининг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бугун олдимизда залварли вазифалар турибди. Яъни ушбу қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришимиз лозим бўлади. Токи, узоқ йиллардан буён бундай муаммога дуч келиб, ташкилотма-ташкилот сарсон юрган фуқароларимиз давлатимизнинг бу инсонпарвар сиёсатини, мамлакатда инсон қадрини улуғлашга қаратилган ўзгаришларни ўз ҳаётида сезсин, ҳис этсин.

«Халқ сўзи».

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КЎРФАЗ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ: УЛКАН САЛОҲИЯТ ҮЙҒУНЛИГИ

1 Президент Шавкат Мирзиёев ушбу саммитда сўзга чиқиб, улкан иқтисодий, табиий ва интеллектуал ресурсларга эга Кўрфаз давлатларининг глобал барқарорлик ва энергетика хавфсизлигини таъминлашдаги ўрнини алоҳида таъкидлади. Олий даражадаги саммитнинг навбатдаги йиғилишини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этди ва бу таклиф якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари ижобий тажрибадан келиб чиқиб, икки минтақа ўртасида сиёсат, технология ва инвестиция, "яшил" иқтисодиёт, савдо ва транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, экология ҳамда иқлим ўзгариши, туризм, маданият ва таълим каби қатор муҳим йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф қилди. Негаки, Кўрфаздаги араб давлатларининг бу борада жуда катта салоҳияти, бой тажрибаси ва ушбу йўналишларда фаол ишлаётган нуфузли компаниялари бор. Бу борада улар кўмагидан фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди. Улар орасида "ACWA Power", "Masdar", "Mubadala", "TACA", "Nebras Power" каби етакчи компаниялар билан ҳамкорликда юртимизда умумий қуввати 15 гигаваттдан ортиқ қуёш ва шамол электр станцияларини ҳамда энергия сақлаш иншоотларини қуриш каби муҳим лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қувват берадиган биринчи йўналиш. Ўзбекистон аҳолини ва тадбиркорлик субъектларини қишин-ёзин узлуксиз энергия билан таъминлашни, тоза экологик муқобил энергия манбаларига ўтишни мақсад қилган экан, Кўрфаз араб давлатлари имкониятларидан фойдаланишни мақбул деб билади.

Иккинчи йўналиш — транспорт-логистика. Биз рақобатбардош маҳсулотларимиз билан дунёга чиқишни устувор вазифа деб биламиз. Кўрфаз минтақаси транспорт-логистика йўналишини ўзаро боғлаш учун янги истиқболлар яратади, ҳудудлараро савдони ривожлантириш билан бирга янги бозорларга чиқиш, транспорт йўлакларини диверсификация қилиш имкони пайдо бўлади. Натижада нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё ҳам улкан имкониятлар ва ҳамкорлик макони бўлиб, Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи минтақаларо боғлиқликнинг ажралмас ва муҳим қисмига айланади. Боз устига, Кўрфаз мамлакатлари Марказий Осиё минтақасини Ўрта Ер, Қизил ва Араб денгизлари, Сувайш канали ва Кўрфаз билан бирлаштирган ҳолда, жаҳон бозорларига чиқиш йўлида транзит мамлакатлар ролини ўйнаши мумкин.

Эътиборлиси, Кўрфаз мамлакатлари худди Ўзбекистон ва минтақамиз давлатлари каби минтақавий зиддиятларга аралашиб қолмаслик йўлини танлаган ва хавфсизлик муаммоларини тартибга солишда иқтисодий масалаларга муҳим мавзу сифатида қарайди. Хусусан, Саудия Арабистони, БАА, Ўмон, Кувайт, Қатар йирик минтақавий геоиқтисодий лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Шунинг учун бу давлатлар кейинги пайтларда Эронга нисбатан зид муносабатдан воз кечиб, ҳамкорлик йўлини тутмоқда. Айниқса, Саудия Арабистони ва Эроннинг Хитой ёрдамида ярашиб, дипломатик ваколатхоналарини қайта очгани Яқин Шарқ ва Кўрфаз минтақасида ижобий савдо ва инвестиция муҳитини яратди.

Мавжуд қийинчиликлар шароитида ҳам Кўрфаздаги араб давлатлари жадал ривожланаётган барқарор иқтисодиётга эга мамлакатлар саналади. Бу — масаланинг учинчи жиҳати. Хусусан, Саудия Арабистони ялпи ички маҳсулот даражаси бўйича жаҳонда 19, БАА 29-ўринни эгаллайди. Мазкур минтақадаги давлатлар нефть, газ ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи саналади, жаҳон энергетика бозорига катта таъсир кўрсатади. Ўз энергетика ресурсларига эга Ўзбекистон буни ҳисобга олади, албатта. Боз устига, Саудия Арабистони ва БАА компаниялари муқобил энергия қувватларини қуриш, "яшил" энергетикага ўтиш бобида илгарилаб кетди. Бугунги кунда ҳар икки мамлакатнинг йирик компаниялари Ўзбекистон энергетика бозорига дадил кириб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қуёш, шамол ва қайта тикланувчи бошқа энергия иншоотларини қурмоқда.

Шунингдек, бу мамлакатлар жаҳон энергетика бозорида нархларни мувофиқлаштириш бўйича тажриба алмашиш борасида Ўзбекистон Республикасининг салоҳиятли ҳамкорлари ҳисобланади. Бундан ташқари, Кўрфаздаги араб давлатлари, бир томондан ўзбек маҳсулотлари, технологиялари ва айрим хомашё турлари истеъмолчилари бўлса, иккинчи томондан инвестициялар манбаи сифатида қизиқиш уйғотади. Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, БАА, Баҳрайн дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари учун узоқ муддатли капитал манбаидир. Хусусан, БАА инвестиция жамғармасининг маблағлари 1 трлн. АҚШ долларидан ошади, Кўрфаз мамлакатларида умумий инвестиция капитали ҳажми 3,2 трлн. АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, етакчи араб давлатлари хорижий инвестицияларни

Тўлқин ТЕШАБАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, профессор.

жалб қилиш бўйича катта тажрибага эга бўлиб, улар бу тажрибани Ўзбекистон билан ўртоқлашиши мумкин. Кўрфаз мамлакатларининг халқаро муносабатлар тизимидаги таъсири, халқаро савдо ва саноатда уларнинг ўрни ҳамда аҳамияти, инвестициявий ва технологик имкониятларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон улар билан ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор. Бу ҳам минтақавий хавфсизлик муаммоларини тартибга солиш, ҳам миллий иқтисодий тараққиётни янада рағбатлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Бизнинг тинчлик ва барқарорлик, хавфсизликни таъминлашда умумий интилишларимиз бор. Шулардан бири — айни пайтгача алоқаларимизни ривожлантиришга халал бериб келган Афғонистонда узоқ муддатли тинчликка эришиш. Ўзбекистон Афғонистондаги тинчлик ва барқарорликдан энг манфаатдор мамлакат сифатида унинг оғирини енгил қилишга, иқтисодиётини оёққа турғазишга, минтақавий лойиҳаларга жалб қилишга, инфратузилмаларини тиклашга ёрдам кўрсатиш учун астойдил бел боғлаган. Бу жараёнда нуфузли Кўрфаз давлатларининг афғон заминини барқарорлаштириш жараёнига жалб қилиниши ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу зарур даражадаги давлатлараро ишончга эришиш ва тўлақонли шерикликни йўлга қўйиш ишига ҳам хизмат қилади.

Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаган ҳолда, тузилма тарихи, мақсад ва вазифаларига тўхталмоқ жоиз.

Маълумки, Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши 1981 йил 25 майда ташкил этилган. Ушбу ҳудуд углеводородлар етказиб берувчи етакчи минтақа ва нуфузли жаҳон молия маркази ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсади сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш, яъни иқтисодий ва молиявий масалалар, таълим ва маданият, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш, оммавий ахборот воситалари ва туризм, қонунчилик ва бошқарув муаммолари каби соҳаларни тартибга солишдан иборат.

Кенгаш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳаларида илмий ва технологик тараққиётни рағбатлантиради. Ташкилот унга аъзо давлатларнинг соҳалар бўйича ҳамкорлигини кенгайтириш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан умумий позицияларни ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Кўрфаз ўзининг алоҳида мавқеига кўра уч қитъа ўртасидаги энг йирик алоқа маркази ҳисобланиши, бой ресурсларнинг мавжудлиги ва дунёнинг йирик сув ҳавзалари билан боғлиқлиги уни дунёдаги энг муҳим стратегик минтақалардан бирига айлантирган. Бу сув йўли мазкур ҳудуд давлатлари учун ички ва минтақавий майдонларда ҳам жуда муҳим. Шунга кўра, бу давлатлар қўшничилик сиёсатига урғу бериб, ушбу сув ҳудуди минтақада хавфсизлик ва барқарорлик кафолати ҳамда халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тимсоли бўлишини ва бошқалар Кўрфаз атрофидаги мамлакатлар ҳудудида тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилишини ҳурмат қилишлари лозимлигини таъкидлаб келади.

Сўнгги ўн йилликларда Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши мамлакатлари ўзларининг турли имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш ва ташқи дунёга қарамлик ҳолатини камайтиришга ҳаракат қилиш орқали рўй бераётган ўзгаришларга мослашиш учун катта салоҳиятини намойиш этди. Умуман, Яқин Шарқ ва хусусан, Кўрфаз минтақаси тобора стратегик аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Минтақа нафақат табиий ресурсларга, биринчи навбатда, энергияга бой, балки дунёнинг асосий денгиз ва қуруқлик йўлларига, шунингдек, Африка ва Европа бозорларига чиқиш йўллари эшигидир.

Шу маънода, ташқи ишлар вазирларининг Тошкент учрашуви, томонларнинг бир-бирининг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш йўлидаги навбатдаги қадами бўлиб, жадал ривожланаётган икки минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро тушуниш, ишончли мулоқот ва тенг ҳуқуқли шериклик платформасини янада мустаҳкамлашга, ўзаро кўп қиррали алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади, десак, айни ҳақиқат.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Жиззах вилоятининг барқарор тараққиётида муҳим омил бўляпти

1 Дарвоқе, Жиззахда машинасозлик соҳаси тобора ривож топиб боряпти. Кейинги йилларда бу борада хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали кенг кўламли амалий ишлар бажарилди. Биргина мисол, "ADM Jizzakh" қўшма корхонасида "KIA", "Chery" брендлари остида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани эътиборга молик.

Умуман олганда, юзлаб амалий ташаббуслар ҳаётга татбиқ этиляптики, буларнинг барчаси юртимиз тараққиёти, халқимиз турмуш даражасини ошириш, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, одамлар розилиги учун хизмат қилмоқда.

Мухбиримиз давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифидан янги куч олган, ўзаро мулоқотда бўлган фаолларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Томорқа — битмас-туганмас хазина

Қувондиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, меҳнат фахрийси:

— Ташрифни ҳар сафар зўр ҳаяжон билан кутаман. Сабаби ҳар гал Юртбошимиз қайсики ҳудудга бормасин, албатта, ўша жойда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва умуман, барча соҳада катта ўзгаришлар, янгиланишларни бошлаб беради. Одамлар руҳини кўтариб, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун астойдил куйиниб, ҳаётий таклифларни илгари суради. Навбатдаги ташриф ҳам бундан мустасно бўлмади.

Биласизми, давлатимиз раҳбари вилоятимиздаги ўзгаришларни алоҳида эътироф этиш билан бирга, оғриқли нуқталарга ҳам тўхталиб ўтди. Бу жуда керак. Кечаги учрашувдан сўнг ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз қанчалик кўп эканлигини ҳис қилдим.

Менинг асосий фаолиятим қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ҳолда ўтган. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини янада кўпайтириш имкониятлари бисёр. Хусусан, томорқалардан унумли фойдаланмаётганимиз бор гап.

Юртбошимиз Шароф Рашидов туманининг Туёқли, Зарбдор туманининг Лалмикор маҳаллаларида бўлиб, томорқа ҳамда деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солиш, харидоргир маҳсулотлар турини кўпайтириш ҳам оила бюджети учун, ҳам халқ фаровонлигини йўлида кони фойда эканлигини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, томорқа эгаларининг шу йўналиш бўйича билимларини ошириш жуда муҳим эканини айтиб, ушбу лойиҳалар ижросида томорқа эгалари билан банклар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш кутилган натижани бериши мумкинлиги ҳақида фикрлашдик.

Ишонаманки, Президентимизнинг вилоятимизга қилган ушбу ташрифи тез орада юртдошларимиз ҳаётида ўзининг ижобий ифодасини кўрсатади. Барчамиз бир мушт каби жипслашиб, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ва барқарор ривожланишга қаратилган муҳим вазифаларни бажаришга ҳиссамизни қўшамиз.

Орзуларимга қанот берган мулоқот

Барно НАРЗУЛЛАЕВА,
ҳунарманд, II гуруҳ ногирони:

— 2017 йилдан бери миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаман. Аввал рассомликка қизиқар эдим, кейинчалик турли хил сопол, чинни каби буюмларга мунчоқлар уйғунлигида амалий санъат намуналарини яратиш бўйича янги йўналиш яратдим. Шу тариқа дастлаб 18 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ўзим туғилиб ўсган Ғаллаорол туманида бу соҳани ривожлантиришга киришдик. Яъни қишлоғимиз қизларини ёнимга олиб, уларга ҳам шу ҳунарни ўргата бошладим. Йиллар ўтиб, кўплаб кўргазмаларда, танловларда қатнашдик.

Хуллас, Президентимизнинг вилоятимизга ташрифини эшитиб, кўнглимдан биз каби имконияти чекланганлар билан ҳам суҳбатлашишга вақт топармикин, деган савол ўтганди.

Қарангки, аҳоли билан мулоқот чоғида Юртбошимиз Жиззах шаҳридаги кўзи ожизлар жамиятига қарашли бинодан унумли фойдаланилмаётгани, бу ернинг фаолиятини касаначилик йўли билан қайтадан йўлга қўйиш, ногиронлиги бўлган фуқароларни шу жойда иш билан таъминлаш бўйича тавсиялар берди. Табиийки, бу мени ниҳоятда тўлқинлантириб юборди ва миннатдорлигимни изҳор қилиш баробарида, келажакда ҳунармандчилик мактабини очиш, ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларга ҳунар ўргатиб, уларни кафолатли иш билан таъминлаш режаси борлигини билдирдим.

Мени янада қувонтиргани, ушбу таклифим инобатга олиниб, Жиззах шаҳрида худди шундай марказ ташкил қилиш бўйича вилоят раҳбариятига топшириқ берилди.

Шу пайтгача устахонам қишлоқда жойлашганлиги учун қамров кам, имкониятлар, шароитлар кўнгилдагидек эмас эди. Эндиликда "Устоз — шогирд" йўналишида олиб бораётган фаолиятимни тўла намоён қилиш имкони туғилмоқда — кичик устахонам катта марказга айланиш арафасида. Насиб қилса, ушбу марказ доирасида алоҳида устахона, кўргазмалар зали, музей ташкил этиш ниятидаман. Бу табиийки, кўплаб ёшлар бандлигини таъминлаш билан бирга, юртимизда жадал ривожланиб бораётган ички туризм салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Саид ДОНИШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ТАШАББУСЛАРГА БОЙ, ЎЗГАРИШЛАРГА ЗАМИН ЯРАТГАН ТАШРИФ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига амалга оширган бу галги ташрифи ҳам ташаббусларга бойлиги ва янги ўзгаришларга замин яратиши билан янада аҳамиятли бўлди. Асосийси, бу барча жиззахликларга янги куч, кўтаринки кайфият бағишлади.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудда саноатнинг юқори технологик тармоқлари, муҳим иқтисодий лойиҳалар, маҳаллаларда аҳоли даромадларини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш баробарида иқтисодиётни ривожлантириш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга доир ташаббуслари, оддий одамлар билан ўтказган самимий мулоқотлари халқимизнинг кўнглидан жой олди, эртасига ишончни оширди.

Қайд этилганидек, сўнгги етти йилда вилоятда мисли кўрилмаган ўзгариш ва бунёдкорликлар амалга оширилди. Бу даврда вилоятга 5 миллиард доллар миқдоридаги инвестициялар жалб қилиниб, 2,5 мингта янги корхона ишга туширилди. Бу орқали 45 мингта доимий иш ўрни яратилди.

Тадбиркорлар сони ва иш кўлами ортиб бораётгани эса янада қувонарлидир. Айни пайтда улар сони 20 мингтага етди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам шунга мутаносиб ҳолда салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётир. Аммо бу серунум ер ва ҳосилдор Жиззах тупроғи учун камлик қилади. Шундай экан, дунёқарашимизни ўзгартирадиган, ердан оқилона фойдаланадиган, йилига икки-уч марта ҳосил олишни ўйлайдиган замон келди.

Айни масалага эътибор қаратилган ҳолда, туманларга 130 млрд. сўм ажратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берилди, бу яқин истиқболда юртимизда арзончилик, дастурхонларимиз тўкин бўлишига ва аҳолининг ишсиз қатлами камайишига замин яратади.

Таъкидланганидек, олдимизда автомобилсозликда келгуси уч йилда соҳага 1 млрд. доллар инвестиция жалб қилиш, автомобиль ишлаб чиқариш қувватини 100 мингтага ошириш, 10 мингта янги иш ўрни яратиш вазифаси турибди.

Анъанага мувофиқ, ёшлар ва таълим масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Вилоятдаги маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш, жойларда боғча ва мактаблар қуриш, Жиззах шаҳридаги тиббиёт муассасалари ва кўпқаватли таъмирлаш чора-тадбирлари юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди. Илгари сурилган бундай ташаббуслардан ушбу соҳалар вакилларининг кўнгли тоғдай кўтарилди.

Вилоятдаги мавжуд маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда грантлар ажратиш учун қўшимча 300 млрд. сўм йўналтирилиши белгиланди.

Шу билан бирга, қадимий воҳалардан саналган Жиззах заминининг туризм ва ижтимоий салоҳиятини ошириш мақсадида 10 та маданий мерос объектида "туризм ҳалқаси" яратилиши, уларга "Туризм маҳалласи" мақоми берилиши белгиланди. Айниқса, "туризм ҳалқаси" объектларига борадиган йўллар тез орада таъмирланиши айни муддао бўлди.

Умуман, мақсад аниқ ва шунга мувофиқ дастур ҳамда режалар белгилаб олинди. Бу нафақат биз, масъуллар, балки шу заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиздан янада фаол бўлишни, Президентимиз таъбири билан айтганда, ватанпарвар эканлигимизни ўз хизматимиз ва ҳаракатимиз орқали исботлашимиз талаб этилади. Демак, ўзини шу юртнинг фарзанди, деб билган ҳар бир инсон бу гаплардан хулоса чиқаради, белни маҳкам боғлаб ишга киришади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Санобар СУЯРОВА,
Жиззах вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

РЕКЛАМА

«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ўтган йиллар якунлари бўйича банк акциядорларининг навбатдаги ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишлари баённома қарорларига кўра, банкнинг оддий ва имтиёзли акцияларига ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида олмаган акциядорлардан дивидендларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (**жисмоний шахслар учун** — паспорт ёки ID картанинг асл нусхаси, СТИР нусхаси, банкда ёки бошқа тижорат банкларида ҳисобварақ очилганлиги тўғрисида тасдиқнома нусхаси, инвестиция воситачиси (депозитарий) томонидан берилган ДЕПО ҳисобварағидан кўчирма, **юридик шахслар учун** — жамият устави нусхаси, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси (лицензия), инвестиция воситачиси (депозитарий) томонидан берилган ДЕПО ҳисобварағидан кўчирма) тақдим қилган ҳолда, банкнинг бош офисига ёки ҳудудий банк хизматлари офисларига мурожаат этишингизни сўрайди.

Шу билан бирга, сиздан инвестиция воситачилари (депозитарийлар) маълумотлар базасида ўзингизга тегишли яшаш жойи тўғрисидаги (аниқ кўрсатилган почта индекси, кўча номи, уй рақами ҳамда тезкор боғланиш имконини берувчи телефон рақами) маълумотларни янгилашингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 6-боб, 51-моддасига асосан: *"Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолади".*

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга, яъни "Трастбанк" ХАБ бош офисига мурожаат қилишингиз мумкин: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 1287, 78-140-00-88.

Банкнинг электрон почта манзили: info@trustbank.uz Банкнинг расмий веб-сайти: www.trustbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 17 апрель

Бу йилги ёмғирнинг серёғин келгани, айни пайтда қуёш юртимиздан ўз нурларини аямаётгани деҳқоннинг пешонаси офтоб, даласи барака, чўнтаги даромад кўришидан далолат бераётир…

Айни маҳал — ҳамал. Майин ёмғир сокин ёғяпти. Ўйга толдирадиган, хаёлларга кенглик берадигандай. Ҳамал ёмғирлари кўпинча малҳам каби шивалайди. Худди дилни шифолайди. Саврда эса қалдироғу жалалар, пишқирган селлар…

ОНА ТАБИАТ САХОВАТИ

Баҳор ёмғирлари — қут-барака манбаи

Ҳамалнинг амалидамиз. Ёмғирнинг шитирлаши, шовуллаши оламни яйратади. Барака ёғяпти-я... барака. Майсадан самогача, япроқдан қароғгача, юракдан фалаккача ёмғир бағрида. Юрагингиз тўлқинланяптими? Шубҳасиз, бу пайтда, шоир айтмоқчи, *“Тошқинлар киради қалбимга маним”*. Баҳорнинг ҳамали — бу! Ниятлар амали — бу!

Бу йил серёғин келди. Айниқса, бир-икки кун илгари ёққан ёмғир дардларга дармон бўлди, баракаи фармон бўлди. Деҳқон қулочини ёзиб, чўпон қирни кезиб, қушлар ҳавода сузиб шодланди.

Турналарнинг самода сафланиб-сафланиб учиб келаётганини кўрганмисиз? Кўп кўргансиз. Кечаги ёмғирда ҳам осмонда турналар “қур-эй, қур-эй” дейишиб учди. Икки ҳол хаёлдан кечади: аввало, ёмғирда қанотлари ивиб, толиқиб қолмасмикин? Улар, назаримда, тўйиб-тўйиб сув ичгани ёнимиздаги Сурхон дарёси томонга учишди. Иккинчидан, ишқилиб, овчилар йўқмикин?! Йўқ, овчилар қарғаларни... қора қарғаларни отишади. Осмондаги қатор тизилган қушларга қараб, машҳур мисралар хаёлдан ўтди: *“Сафингиз бутунми, қайтган турналар?”* Бизда ёмғир ёғяпти, олис юртларда ўқлар ёмғири... Турналарга, оппоқ турналарга бежиз ҳайкал қўйилмаган. Сафлар кемтиклигида фожиа, сафлар бутунлигида улуғлик бор... Ният қилинг, дўстлар, кўнгилларингиз бутун бўлсин! Дарахтлар, қушлар, кўнгиллар, сафингиз бутун бўлсин. Бутунликда ҳаёт мавжланади, авжланади. Бир гўзалликкка минг гўзаллик қўшилади. Мўъжизага ўхшайди...

Турналарнинг “қур-эй, қур-эй”и дилга кўтаринкилик улашади. Зеро, уларда баланд руҳ, шижоат, ғайрат бор. Демак, сафлари бутун! Дарёланиб дарё сари боряпти.

Ёмғир сабаб, эҳ-ҳе, хаёлдан нималар ўтмади?! Ёмғирлар борми, дарёлар бор... Дарё — ҳаётнинг юраги. Гупиллаб уриб туради. “Авесто”да ҳам ёзилган: *“Дарёларнинг яқинидаги ер, тупроқ унумдор бўлади. Дарёлар атрофидаги ерлар яхши ерлардир, унда буғдой яхши ҳосил беради”.*

Кўнгилда шукроналик. Баҳор ёмғирлари кўнгилдагидек. Дарёда сув бошқача. Аллоҳ барака бермоқда. Само насибалар узатяпти. Қирадирларда ўту майсалар ям-яшил. Невараларим яйраб, қалдирғочлардай учиб келишди: “Қирга чучмома тергани борамиз...” Жилмайиб қўяман, болалигим кўнглимдан ўтади. Чучмоманинг оппоқ илдизи, ў-ў, тотлидан-тотли. Ундай неъмат дунёда йўқ. Шундай йиллар бўлдики, қор йўқ, ёмғир ёғмади. Қирлардаги қўйлар тупроқ еди. Бу йил эса ёмғир ёғяпти... ёмғир.

Қўлимда “Наврўзнома”, “Солнома” китоблари. Ҳаким Термизий ҳазратлари битганлар. Бир ойдирки, шу китобни қўлдан қўймайман. Сирлар олами, дейсиз. Шунча илмни қандай билишган? Ақл бовар қилмайди. Кичик китоб, аммо поёнсиз маъно гавҳарлари. 11-бетдан иқтибос: *“Агар Наврўзи олам пайшанба куни дохил бўлса... Муштарий (Юпитер)га тааллуқли бўлгай. Ул йил баъзи жойларда неъматлар кўп бўлуб ва баъзи жойларда ёмғирлар ўз вақтида ёғгай, қор-ёмғир кўп бўлгай. Подшоҳлар ҳоллари яхши бўлгай ва ҳамма ҳунарпеша (ҳунарманд)лар касбларидин хурсанд бўлгайлар...”* Қўйил қоласиз. Буюк бобомиз минг йил олдинни кўриб тургандай. Ҳайрону лол қолдиргани мевалар баъзи ерларда мўл туйди, айрим ерларда кам, эрта гуллаган боғларни сал совуқ урди. Улуғ аждодларимизнинг илму фикратлари ҳаётий, хаёлий дунёлари чексиз бўлган! Биз ҳам кўп ўқишимиз керак.

Барака ёғаётганида ҳамма хурсанд. Ҳатто замину осмон, дарёю денгиз... Айниқса, деҳқон шодлигини ҳеч бир ўлчов билан ўлчай олмайсиз. Минг тонналик тарозилар ҳам кўтаролмай “тақир-туқур” бўлиб қолади. Ёмғир ёғмаса, деҳқон йиғлайди. Бу йиғини кўзингиз билан кўрмайсиз. Деҳқоннинг экини — ғалласими, пахтасими, дарахтларими сувсиз қолса, гул тўкиб, сарғайиб, қовжирайверса... юраги чидай олмайди, кўнгли куяди, тикилиб-тикилиб, ич-ичидан тўкилади. Тонггача ухлай олмайди. Ожиз қолади. Юраги “дод” дейди. Ҳеч ким эшитмайди: сув йўқ... сув йўқ... Шукрки, бу йил сув мўл бўлади. Ёмғир бизга ана шундан дарак беряпти.

Ҳикматулла ака фермер. Деҳқонларнинг деҳқони. Нега дейсизми?! Тошқин дарёни кўрса, ўзи тошқин дарёга айланади. Ёмғир ёғаётганда осмонланади, жаҳонланади. Ҳатто гурунгида дарёйи тошқинликлар. Сўз бошладими, тўхтатолмайсиз. Фикрлари Ҳамалнинг ёмғиридай...

— Ҳикматулла ака, фермер экансиз...

— Ҳа, фермерман.

— Пахта экасизми, буғдойми?

— Асосан, стевия...

— Стевия?

— Нега ҳайрон қоласиз? Стевия экамиз.

— У нима? Ҳеч эшитмаганман.

— Ҳамма сўрайди. Чунки одамлар пахта билан ғаллани билади. Бир пайтлар, муболаға десангиз ҳам айтай, уйнинг олдигача пахта эди. Бугун ҳаёт ўзгарди. Тутумларимиз ҳам. Президентимиз ташаббуси — стевия экяпмиз. Зўр ўсимлик, доривор. Ундан шифобахш малҳам тайёрланади. Қимматбаҳо, жуда ноёб. Тиббиёт учун жуда муҳим...

— Сувга қандай? Сувсизликка чидамлими?

— Сувни яхши кўради. Ёмғир ҳар нечук яхши ёғяпти. Мен учун байрам. Сувсиз қолган пайтлар... Эслатманг... Ёмғир пайти гоҳо далада бўламан. Ўзимни панага олмайман. Ёмғир — мўъжиза. Ўйлаб қаранг, ҳаётнинг ёғиши у. Ҳаётнинг келиши... Оддий қилиб айтайинми, ёмғир, қуёш, тупроқ, деҳқон... юраклар бир-бирига туташ. Улар бир бутун. Барака, бирликда!

— Ёмғирни яхши кўрасизми, дейман?

— Яхши кўраман. Айниқса, ёмғирдан кейин, гоҳо ёмғир ёғаётганда камалак кўринади. Тикили-иб қоласиз. Етти рангда... бошқача нарса. Ер билан осмоннинг ўртасида. Ранглари хаёлингизни олиб кетади.

— Ҳикматулла ака... ҳайрон қолдиряпсиз...

— Нега?

— Гапларингиз фермернинг гапларига ўхшамайди. Қандайдир ўзгача. Ё отангиз бахши ўтганми?

— Мен китобни яхши кўраман. Шеърни севаман.

— Наҳотки, фермер бўлсангиз ҳам-а?

— Нима деҳқон китобдан узоқ туғилганми? Китоблар — менинг ҳаётим. Шеър ўқиб маза қиламан. Зўр шеърларни тўплаб юраман. Баъзилар фермер бўлсанг, шеър сенга нимага керак, дейишади. Тушунмайди улар. Одам нима учун одам, кўнгли бор бўлса, одам. Ўша куни ёмғир... мартнинг охирида, даладаман. Ёғяпти. Ўрик гуллаган. Бодом дарахтлари барг чиқарган. Барглар шундай покланди, ярқиради. Бундан зўр дунё борми? Рауф Парфининг ёмғир ҳақидаги шеърини шивирлаб келавердим.

Эшитинг-да... Профессор Саъдулла Турсунов билан бир китоб чиқардик. Сурхондарё ҳақидаги шеърларни бердик. Китобда бундай шеърлар жуда кўп.

...Абдусалом ҳожи Норматов бутун умрини сув билан ўтказяпти. Ўзи қумқўрғонлик. Ёмғир ёғаверса, қўйлари эгиз-сагиз туғади, гўё. Сабаби шундаки, ёмғир сероб йиллари қўйларини Боботоғ томонларга келтиради. Рустам чўпоннинг суруви-га қўшади. Чўпонмисан чўпон у. Мард десангиз, мард, ҳалол десангиз, ҳалол. Яқинда Ҳожи ака Боботоғ этакларига қўйларини олиб борди. Ёмғир ёғаётганидан ўзига сиғмади. Чўпон учун эса ёмғир ёғиши осмондан олтин танга ёғаётгандай гап. Боботоғ тоғларию қиру адирларида сиру асрор кўп. Лоф гап эмас бу. Дунё кенг. Лекин ҳамма жойда ҳам сур тери бўлавермайди. Сур тери оламда ноёб. Ловуллаб ёниб туради. Айтишларича, ёмғир ёғаётганида тупроқдаги қуёш сири эриб, сўрилиб гиёҳларга, ўт-ўланларга ўтади. Бундай яйлов қўйлари олтин қўзи туғади. Ўзбекистонда бундай ўзига хос яйловлар бармоқ билан санарли. Сур тери ҳақида гапирсангиз, қирқ кечаю қирқ кундуз ҳам кам. Сур қўзи туғилса, қоронғуда ярқираб, нур сочади. Бу ҳақда олимлар қанчалаб китоблар ёзишган.

Ҳожи ака Боботоғ томонга бордию ёмғирнинг мўъжизасини кўрди:

— Бу йил Худо ёмғирини беряпти. Ўтнинг ўсганини... Қўйлар сузиб юрибди. Тўқлилар тўқ... тўйиб қолган. Ёмғир тўхтаб, қуёш чиқди. Адирнинг бетига ёнбошладим. Ана, Боботоғ. Осмонга тегиб турибди. Адирлар, қирлар, сойлардаги майсалар шамолда сувдай, денгиздай тўлқинланади. Яшилликни... кўзингиз тўймайди. Бу йилги баҳор бошқача, одамни сеҳрлайдиган баҳор. Ҳавони симириб ўттиз ёшга ёшарасиз. Кўкламнинг серёғин ўтиши башорат қилинмоқда. Ўтлар яна ўсади. Худо нурини тўкяпти. Барака кўпаймоқда, барака. Кўкдан обираҳмат ёғилмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово
танловига

Бир йиллари ёмғир ёғмади. Ўт ўсмади. Қўйлар қоқ суяк бўлди. Моллар чала туғди. Бу йилги ёмғирни қаранг-да. Совлиқлар семиз, қўзилар диркиллаган. Тойлар, отлар селдай елади. Чўпонлар белини беш жойидан бойлайди, кўрасиз. Чўпон бой, деҳқон бадавлат... элнинг бойигани бу. Юртнинг дастурхони нозу неъматга тўляпти. Аллоҳга беадад шукр...

Ҳожи аканинг сўзлари кўнглимни янада ёриштирди. Ўзи ўйлаб қарасангиз, соҳир табиат бағридамиз. Гоҳо ёмғир пайтида осмон йиғлаяпти, дейишади. Йўқ, осмон кузда йиғлайди. Ҳозир авжу баҳор. Капалакдан турнагача, бойчечакдан сарвгача, қизғалдоқдан қалдирғочгача — бари эзгулик ва гўзаллик юрагида.

Баҳор қайтмайди. Бу гап тўғри, баҳор бебаҳо ва бетакрор. Вақтнинг шамолида ғанимату синоат. Баҳорда кўнгил чоғланади, туғланади, руҳланади. Ҳеч қаердан топмаган руҳий қудратни топасиз, мўъжизавий қувватни ҳис қиласиз. Баҳорда баҳорланинг! Лолалар алвонида тоғланинг! Баҳор асрорларини хумори кўзингизга босингиз. Ариқ четида ялпизак хушбўйдан-да хушбўйдир. Қизғалдоқлар тонгнинг оловранг шафағидай.

Кўклам — гўзал келинчак. Ёмғирлар — сочалалардир, она табиат сочаётган дуру гавҳарлардир. “Чўпоннинг таёғидан, келиннинг оёғидан”, деган нақл бор. Баҳорой, босган ҳар қадамингдан гуллар уняпти. Боғу бўстонлар, гулу гулшанлар, ҳарир тонглар сенинг кўркингдир. Ҳусну жамолингга, бўйи камолингга, сабою шамолингга тасанно!

Яна сочала сочиляпти. Ёмғирнинг ҳар қатрасида софлик, поклик, саринлигу шаффофлик. Ёмғир қатраларининг ярқираб ёқутдай ёниши олам-олам шодлик...

Сиз ҳам баҳорга айланиб яйранг. Дили дунёингиз марвариду дур, олмосу гавҳарларга тўлади. Ёмғир ёғяптими хазинаи насиба чашмалари, бахт булоқлари қайнаяпти. Дарёлар тўлиб, барака оқяпти.

Баҳорой, олланавер, солланавер, болланавер! Бошларимиздан арпаю буғдойлар, бодому писталар, майизу ўриклар — мўл-кўл ризқу насибамиз, шодликлар, бахту севинчлар сочилаверсин!

Менгнор ОЛЛОМУРОД,
шоир.

«Ўзмиллийбанк» АЖ:

АНИҚ ҒОЯ ВА ИЛҒОР ТАШАББУСЛАРНИ ДОИМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалиб, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ошиб бормоқда. Албатта, бунда банк муассасалари ва ишбилармонлар ўртасида қулай инфратузилма, мавжуд имконият ҳамда ишончли молиявий ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилгани ҳам ўзининг ижобий самараларини бермоқда. “Ўзмиллийбанк” акциядорлик жамияти мисолида айтадиган бўлсак, молиявий муассаса нафақат мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Сервис тармоғини юксалтиришда ишбилармонларга ишончли молиявий ҳамкор сифатида банкнинг ўрни ва роли ошиб боряпти.

NBU

Молия муассасаларида

Яқинда банк матбуот хизмати томонидан ОАВ вакиллари учун Наманган вилоятига пресс-тур ташкил этилиб, журналистлар сўнгги йилларда ҳудудда хизматлар соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар ва истиқболли лойиҳалар билан яқиндан танишишди.

Хусусий тиббий муассаса замонавий ускуналар билан жиҳозланди

Вилоят иқтисодий кўрсаткичларида хизматлар соҳасининг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган 2023 йилда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,8 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йил якунига қадар мазкур кўрсаткич 7,6 миллион сўмга етказилиши мўлжалланмоқда.

Пресс-тур доирасида ОАВ ходимлари банкнинг Наманган вилояти мисолида хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги амалий кўмагини бир қатор тадбиркорлик субъектлари фаолияти мисолида ўрганди. Ҳозирги вақтда хизмат сервис соҳасининг тиббиёт йўналиши хусусий сектор кесимида жадал ривожланмоқда. Чортоқ туманидаги “Ash-shafi” тиббий диагностика ва даволаш марказида ҳам банк кўмагидан унумли фойдаланиляпти. Умумий қиймати 8 миллиард сўмлик ушбу саломатлик муассасаси банкдан олинган 1,5 миллиард сўм кредит эвазига замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Марказда жамият томонидан 30 та янги иш ўрни очилди.

— Клиникамизда сўнгги стандартларга мос лабораторияда мураккаб таҳлиллар, бир қатор жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда, — дейди клиника иш бошқарувчиси Тоҳиржон Ҳайдаров. — 200 ўринга мўлжалланган шифохонамизда ҳамюртларимизга амбулатор ва стационар шароитда тиббий хизматлар кўрсатиб келяпмиз. Келгусида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, туман иқлимидан келиб чиқиб, санаторий шароитида хизматларни кўрсатиш, хорижий мутахассисларни жалб этишни режалаштирганмиз. Ушбу мақсадларни амалга оширишда банк билан изчил ҳамкорлигимизни давом эттирмоқчимиз.

Одамларнинг узоғи яқин, мушкули осон бўлмоқда

Чортоқ тумани Наманган вилоятининг нисбатан аҳоли зич истиқомат қиладиган ҳудуди ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан аҳолига арзон ва сифатли транспорт хизматини йўлга қўйишда маҳаллий тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор.

Туманда фаолият кўрсатаётган “Nurillo fayz savdo” масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 2,8 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилди. “Ўзмиллийбанк” акциядорлик жамиятининг 2 миллиард сўмлик молиявий кўмагидан фойдаланилган ҳолда Хитойдан “Foton” русумли 14 та микроавтобус келтирилди. Чортоқ — Балиқликўл, Чортоқ — Ҳазратишо йўналишлари бўйлаб хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бунинг самарасида туман марказидан 35 — 45 километр олисдаги одамларнинг узоғи яқин, мушкули осон бўлди. Корхона таъсисчиси Абдумутал

Маҳкамовнинг айтишича, келгусида туман марказидан олис манзилдаги яна бир ҳудуд — Арбағиш қишлоғига ҳам янги қатнов амалга оширилиши режалаштирилган. Тадбиркор бу ниятларини рўёбга чиқаришда банк хизматларидан унумли фойдаланиш истагида албатта.

Илмга тикилган сармоя тараққиётга хизмат қилади

Пресс-турнинг навбатдаги манзили Чортоқ туманида фаолият юритаётган хусусий ўқув маркази бўлди. Тадбиркор Исломжон Каримов таъсисчилигида ташкил этилган “Stanford” нодавлат таълим муассасаси филиалида бугунги кунда 300 нафарга яқин ўқувчилар инглиз тили бўйича билим олмоқда. Умумий қиймати 1,8 миллиард сўмни ташкил этган мазкур лойиҳани амалга ошириш учун “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан 600 миллион сўм кредит ажратилди.

— Ўқув марказимиз тўлиқ ишга тушган, — дейди “Stanford” ўқув маркази филиал раҳбари Бекзод Турғунов. — Бу ерда 15 нафар малакали педагог-мутахассис ва бошқа ёрдамчи ходим ишламоқда. Бизнинг устувор мақсадимиз ўсиб келаётган ёш авлодга хорижий тилларни мукаммал ўргатиш, уларнинг дунёга чиқишларида, озми-кўпми, таянч бўлиб, ҳиссамизни қўшишдан иборат. Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, АҚШ давлатларидаги нуфузли университетлар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Сўнгги икки йилда салмоқли ютуқларга эришдик. Охирги ўқув йили якунида тингловчиларимиздан 130 нафари олийгоҳларга қабул қилинди. Халқаро даражада инглиз тилини билишни баҳолаш тизими — “IELTS”да юқори натижаларни қўлга киритган ўнлаб шогирдларимиз бугунги кунда АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Сингапур, Япония каби мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Маълумки, Наманган вилоятининг Наманган шаҳри сўнгги йилларда инвесторларнинг бир маромда ишлаши учун кўплаб имкониятлар амалга оширилаётганлиги ҳамда туристлар учун саёҳатбоп ҳудуд эканлиги билан барчада қизиқиш уйғотмоқда. Бу эса ўз-ўзидан, мазкур ҳудудда меҳмонхона ва дам олиш масканларига бўлган талаб ва эҳтиёжни оширмоқда.

Янги Наманган туманида фаолият кўрсатаётган “Akhsikent-hotel” ҳам айнан шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда замонавий типдаги меҳмонхона хизматини йўлга қўйди. Лойиҳанинг умумий қиймати 15,0 миллиард сўмни ташкил этади. Уни амалга оширишда банкнинг 4,0 миллиард сўмлик молиявий кўмагидан фойдаланилган. Мазкур муассаса Наманган вилоятидаги энг шинам ва намунали хизмат кўрсатаётган меҳмонхоналардан бири бўлиб, 150 дан ортиқ ётоқ ўринларига, шинам ошхона, спорт билан шуғулланиш учун махсус зал, бассейн, мажлислар зали ва бошқа қулайликларга эга.

Жамият мазкур хизмат орқали 20 нафардан ортиқ ёшларни иш билан банд этган. Ҳозирда меҳмонхона ҳудудини янада кенгайтириш мақсадида қўшимча

қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Янгиланишлар 20 та янги иш ўрни очилишига хизмат қилади.

Мижозлар учун замонавий қулайликлар яратилмоқда

Пресс-тур иштирокчилари хизмат кўрсатиш тармоғида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан бўлган бевосита мулоқотдан сўнг, “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Уйчи банк хизматлари марказида бўлишди. Таъкидлаш жоиз, биргина Уйчи БХМда ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 2024 йил давомида банк мижозлари томонидан умумий қиймати 18,3 миллиард сўмлик, шундан банк кредитлари 6,8 миллиард сўм бўлган 5 та лойиҳани амалиётга жорий этиш белгилаб олинган.

Ушбу лойиҳалар рўёбга чиққач, 68 та янги иш ўрни очилиши кўзда тутилган. Тармоқлар бўйича кўрадиган бўлсак, саноат соҳасида 12,5 миллиард сўмлик 2 та, хизмат кўрсатишда қиймати 3,0 миллиард сўмлик 1 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида эса 2,8 миллиард сўмлик 2 та лойиҳа доирасида фаолият олиб борилади.

Уйчи банк хизматлари маркази 1998 йил январда ташкил этилган бўлиб, 24 нафар профессионал мутахассис мижозларга намунали хизматларни таклиф этиб келмоқда.

Марказда 46,7 минг мижозга хизмат кўрсатилади. Шундан 45,5 мингтаси жисмоний шахс ва 1,2 мингтаси юридик шахс ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг депозит қўйилмалари 1,2 миллиард сўмни ташкил этади. Тўлов пластик карточкаларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида жойларда 2 та банкомат, 251 та савдо терминали дислокация қилинган.

Мазкур банк хизматлари марказлари томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан Уйчи туманида тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратилиши натижасида 107 та янги иш ўрни пайдо бўлди.

Бундан ташқари, аҳолига валюта амалиётларида қулайликлар яратиш мақсадида вилоят ҳудудида банк хизматлари марказига тегишли 4 та валюта айирбошлаш шохобчаси ва 24/7 режимда ишловчи 2 та банкомат хизмат кўрсатмоқда. Банк хизматлари марказида замонавий инновацион хизматлар кўрсатилишига алоҳида аҳамият қаратилган. Мижозларнинг 70 фоизи масофадан бошқариладиган хизматлардан фойдаланмоқда.

Бунда ҳисоб рақамларда банк айланмаларини амалга ошириш, онлайн кредит расмийлаштириш ёки кредит қарздорлигини қоплаш, халқаро ва миллий пластик карточкаларда ҳар қандай банк амалиётлари ҳамда тўловларни амалга ошириш, омонат расмийлаштириш, хорижий валюталарда конверсион амалиётлар, пул ўтказмалари каби банк хизматларидан масофадан фойдаланиш мумкин.

Бугун “Ўзмиллийбанк” АЖ нафақат мижозлар учун, балки мамлакатимиз иқтисодиёти равнақи учун ҳам ўзини масъул деб билади. Асосийси, банк юртдошларимизнинг янги ташаббус ва илғор таклифларини ҳар доим молиявий қўллаб-қувватлайди.

Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 14 540 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер килинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6